

ЯНГИ АВТОМАКТАБ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг “Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш бўйича нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги 408-сонли қарорига мувофиқ, ташкилий ҳуқуқий шаклидан қатъий назар, барча юридик шахслар, лицензия асосида ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш фаолияти билан шуғулланиш имкониятига эга бўлди.

Бунинг натижасида мамлакатимиздаги хусусий автомактаблар сони кўпайди. Бу эса мазкур йўналишдаги рақобат кучайиши ва хизматларнинг сифати ошишига олиб келади.

Риштон туманидаги автомактаблар сони яна биттага кўпайди. Бугун “Rishtonavtoo’rgatuv” номли автомактаб ўз фаолиятини бошлади. Автомактабнинг очилиш маросимида туман ҳокими иштирок этиб, ушбу маскандаги шароитлар билан танишди.

Автомактаб замонавий кўринишга эга бўлиб, барча қулайликларга эга. Бу ерда бўлажак ҳайдовчилар учун барча шароитлар яратилган бўлиб, уларга малакали ўқитувчилар сабоқ беришади.

2021-11-18 15:20:49